

Ўқув-машғулоти ташкил этилди

// 27 април 2026 йил


<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uquv-mashguloti-tashkil-etildi>



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бош бошқармаси, “Аммофос-Максам” акциядорлик жамияти ОФВБ 41-ҚҚ шахсий таркиби ҳамда Олмалиқ гарнизони қутқарув қисмлари ва таркибий тузилмалар ҳамкорлигида навбатдаги ўқув-машғулоти ташкил этилди.



Машғулот Олмалиқ шаҳридаги “Кимёгарлар” маданият марказида ўтказилиб, унда фавқулодда вазиятларда тезкор ва самарали ҳаракат қилиш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда шахсий таркибнинг амалий кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.



“Аммофос-Максам” АЖ Матбуот хизмати